

---

## ҚЎШТЕПАДА ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги байрами арафасида Қўштепа туман давлат хизматлари маркази учун янги бино фойдаланишга топширилди.

Фарғона вилоятининг Қўштепа тумани 1952 йилда Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштириш жараёнида ташкил этилган. Худудда 148 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Айни кунларда туманда 1 минг 802 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 11 ойи давомида 244 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Туман Давлат хизматлари маркази аввал мослаштирилган бинода жойлашган эди. Аҳоли қатновнинг ноқулайлиги сабаб давлат хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда бироз қийинчиликларга учраётганди. Янги бино эса кенг имкониятлар эшигини очди.

Вилоят ҳокимлиги, Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси, туман ҳокимлиги ҳамда мутасадди ташкилотлар биргаликда тантанали равишда янги қуриб битказилган давлат хизматлари марказини туман аҳли ихтиёрига топширдилар. Тантанали очилиш маросимида кенг жамоатчилик вакиллари, нуронийлар, маҳалла фаоллари, ибратли ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мазкур давлат хизматлари маркази биноси анъанавий архитектура ва халқаро меъморий дизайн билан уйғунлашган ҳолда бунёд этилган. Фуқаронинг навбатга туриш вақтини мазмунли ташкиллаш мақсадида кутиш залига алоҳида эътибор билан ёндашилган. Бино киравериш қисмида марказ директори хуш кайфиятда фуқароларни давлат хизматлари соҳасидаги мурожаатини ўрганиб, тегишли ойналарга ҳамда ходимларга йўналтиради.

Электрон навбат, инфокиоск, кутиш зали, болалар майдончаси ташкил этилган. Ташриф буюрувчи ҳар бир миждо инфолэнд орқали кўрсатиладиган барча хизматлар ҳақида тўлиқ информация олиши мумкин.

Марказда бир вақтнинг ўзида 20 нафар, бир кунда 500 нафар фуқарога хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Хушбичим ва ўзига хос дизайндаги замонавий жиҳозланган залда 3 та мониторда 130 дан ортиқ давлат хизматлари юзасидан маълумотлар марказга келувчи фуқаролар учун тақдим этилган.

Қўштепа туман давлат хизматлари маркази ушбу худудда кўп миллатли аҳолига бирдек давлат хизматларини кўрсатади. Марказ биносида тадбиркорлар учун бош вазир қабулхонаси ҳам иш бошлади.

**Фарғона вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2019-12-05 14:18:53